




# XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.  
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 31 март, пайшанба  
13 (385) -сон,  
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com



## КОНЦЕПЦИЯ

БУ, БИРИНЧИДАН, СИЁСИЙ КУЧЛАРНИНГ ЯНАДА ФАОЛЛАШУВИГА ЗАМИН ЯРАТСА, ИККИНЧИДАН, САЙЛОВЛАРГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШГА, КЎПРОК ДЕПУТАТЛИК ЎРНИНИ ОЛИШ УЧУН ХАРАКАТ КИЛИШГА УНДАЙДИ



## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

МАЗКУР КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ЙИЛИГА 291,5 МИНГ ТОННА КАЛАВА ИП, 56,3 ТОННА ТРИКОТАЖ ВА 157,9 МЛН. КВ.МЕТР ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИКАРИЛМОҚДА



## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

КУНЧИКАР ЮРТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШГА КАМИДА 5 ЙИЛ ВА ТАХМИНАН 235 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИ ЗАРУРЛИГИ ТАЪКИДЛАНМОҚДА

03

05

07



## ҚОНУНЧИЛИК

Мулдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

» 03



## МОЛИЯ ТИЗИМИ

Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида «Агробанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига 15,5 миллиард сўмга яқин кредит маблағи йўналтирилди.

» 06



## ҲУЛҚАР АНАНДНИ ЕНГДИ

Таниқли грессмейстер Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси Хулқар Тоҳиржонова ва Осие биринчилигида совринли ўринни эгаллаган Тимур Игонинга имкониятни бой берди.

» 08

## Модернизациянинг қудратли кучи

**МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР НЕЧОҒЛИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР? КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ БЎЛГАН АНА ШУ АВЛОД ЭРТАНГИ ИСТИҚБОЛИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАСАВВУР ЭТМОҚДА? УЛАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БЕВОСИТА ИШТИРОКЧИСИ ВА ИЖРОЧИСИ БЎЛИШЛАРИ УЧУН ЯНА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШИМИЗ ЗАРУР?**

Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни қайта-қайта ўқир эканмиз, беихтиёр ана шундай саволларнинг ниҳоятда муҳим эканлиги ишонч ҳосил қилаверамиз. Чунки ислохотларнинг таъмоила янги, янада юксалиш даврини бошлаб берган тарихий ҳужжат эртанги кунимиз, янги авлод тақдир билан чамбарчас боғлиқдир. Ана шу ҳужжатнинг нўданаги энг нуфузли илмий марказлар, кўзга кўринган эксперт ва таҳлилчилар томонидан мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиёти учун дастуриламал сифатида эътироф этилаётгани ҳам шундан.

Табиийки, ана шундай стратегик аҳамиятга молик вазиғаларни амалга ошириш жамиятнинг ҳар бир аъзосидан қатъий сафарбарлик, ўз ишига масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Бунда, айниқса, замонавий илм-хунарни чуқур эгаллаб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан кучга тўлиб, ҳаётга дадил қалам кўяётган ёшларимизнинг ўрни алоҳида. Ўзбекистон Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги

маърузасида давлатимиз раҳбари: «Мен қатъий ишонаман — бизнинг болаларимиз, мамлакатимизни ислох қилишнинг гоя ва мақсадлари онги ва қалбига яқин бўлган ёшларимиз ана шундай оруз-умидлар оғушида яшайди. Давлатимизнинг навқирон авлод вакиллари, улар тимсолида унинг-ўсиб, бунёдкор куч сифатида майдонга чиқаётган, она юртимиз келажакнинг эгаси бўлган миллионлаб азму шижоатли йигит-қизларга мурожаат қилиб, уларни олдимизда турган олижаноб мақсад-муддаоларни амалга оширишда янада фаолликка даъват этиш замирида, шубҳасиз, катта ҳаётий маъно бор. Чунки ёшлар табиятан янгиликка ўч бўладилар. Эзгу ниетларини, қобилияти ва истеъдодини намоён этиш учун имконият қидиради, ташаббус кўрсатади. Энг муҳими, замонавий тараққиёт моҳиятини тез илғайди.

3 >>>

## «Ташаббус-2011»

## Тadbirkorлик, эътироф ва рағбат

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН «ТАШАББУС - 2011» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ

Анганага кўра, тadbirkor Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Фермер хўжаликлари уюшмаси ва халқ хунармандларининг «Хунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик узоқ истиқболга мўлжалланган ҳам қандай иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда иқтисодийнинг ушбу сектори давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланмоқда. Президентимиз Исрол Каримовнинг 1995 йил 5 январда қабул қилинган Фармонида биноан ўтказиб келинаётган ва пойтахтимизда ниҳоятга етган «Ташаббус-2011» кўрик-танлови ҳам бунинг яққол далилидир. Унда мамлакатимиз тadbirkorлари, фермер ва хунармандлари ўзининг энг яхши ютуқларини намойиш қилди. «Ташаббус-2011» танловининг шаҳар ва вилоятлар бошқаруви раҳбарларининг маъсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

2 >>>



Солмақ ЗОИР олган суратлар

## Режа 3,6 триллион

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ МАРКАЗИЙ БАНК БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИГА ОИД ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ**

Ўз мухбиримиз

Марказий банк бошқаруви раиси ўринбосари Ш.Ҳайдаровнинг қайд этишича, жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликнинг янги ички маъсулотлиги улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилган тижорат банклари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шу боис молиявий муассасалар томонидан мазкур секторга йўналтириладиган кредитлар миқдорини 1,3 баравар кўпайтириш ёки 3,6 триллион сўмга етказиш режалаштириляпти. Бу йўналишда амалга ошириладиган ишларни «Микрокредитбанк» фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Банк бошқаруви раиси Ж.Сайфуддиновнинг таъкидлашича, мазкур молия муассасаси ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик соҳасига 121,4 миллиард сўм миқдорда хизмат кўрсатди. Ажратилган кредитлар ҳисобига қарийб 120 мингта яқин иш ўрни яратилди.

2011 йилда тadbirkorлик субъектларига 156 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратиш кўзда тутилган бўлса, тadbirkor хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун 30,4 миллиард, коллежаларнинг тadbirkorликка лаёқатли битирувчиларига эса 5,1 миллиард сўм маблағ ажратиш мўлжалланмоқда.

## Самарқанд дунёнинг қирқта мамлакатини кутаяпти

**VIII «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 25-30 АВГУСТ КУНЛАРИ ЎТҚАЗИЛАДИГАН БЎЛДИ**

1997 йилдан буён Шарқ куй-қўшиқларининг минглаб илҳосмандларини Самарқандга чорлаётган фестивал сайтидан хабар қилинишча, ЮНЕСКО ҳомийлиги остида ташкил этиладиган мазкур тadbirkor Осие, Европа, Америка ва Африканинг қирқдан ортиқ мамлакатдан вакиллари ташриф буюрадилар. Таъкидлаш жон: 2009 йил бўлиб ўтган VII «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалида туркманистонлик Лале Бегназарова «Гран-при» соҳибига айланган эди. Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева, озарбойжонлик Гочаг Аскеров, шунингдек, Исроил, Жанубий Корея, Кувайт ва Италиядан ташриф буюрган санъаткорлар эса совринли ўринларни банд этишганда.

БУГУНГИ СОНДА:

## ҚОНУН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК

02 >> 04

О'ZLIDER ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ БУНДАЙ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДА ТАҚИҚЛАШ ЙЎЛИДАН БОРИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ ЭМАСЛИГИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИЛАР. ФАҚАТ КЎРИЛАЁТГАН МАСАЛАГА АТРОФЛИЧА ВА КЕНГ ЁНДАШИЛГАНДАГИНА САМАРАЛИ ЕЧИМГА ЭРИШИЛАДИ. БУНДА, ЭНГ АВВАЛО, ЁШЛАРДА АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИСТЕЪМОЛИГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА БАРЧА МАНФААТДОР ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ, ЁШЛАРГА ОҚНИ ҚОРАДАН АЖРАТИШ ИМКОНИ БЕРИЛГАНДАГИНА КУТИЛГАН НАТИЖАГА ЭРИШИШ МУМКИН БЎЛАДИ, ХОЛОС.

## Мухаррир минбари

## Имтиҳонга тайёрмизми?

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ...**

2011 йилнинг 25 март кунин Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96, 98-моддалари)»ги қонундан кўзда тутилган мақсад ва унинг мазмун-моҳиятини таҳлил этар эканмиз, Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг 27 январда тилга олинган ана шу сўзлар ёдимишга тушади.

Ҳақиқатан давлат бошқарувини демократлаштиришга қаратилган мазкур қонун сиёсий партияларга ислохотларнинг ҳал қилувчи кучига айланиш учун реал имкониятлар яратиб берди.

Конституцияга киритилган янги нормаларга мувофиқ энди сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринини эгаллаган партия ёки тенг миқдорда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партияларга Бош вазир номзодини кўрсатиш, унинг ҳисоботларини эшитиб бориш ҳуқуқи берилмоқда. Булар, шубҳасиз, сиёсий кучлар ўртасидаги соғлом рақобатни кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар туфайли давлат ва жамиятни бошқаришнинг шундай бир яхлит тизим вужудга келтирилмоқдаки, бу билан ҳокимиятлар мустақиллиги охиб, уларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш механизми тақомиллаштирилмоқда.

Гарчи ўзгартишлар туфайли давлат ҳокимияти субъектлари ўртасидаги ваколатлар мутаносиб тарзда тақсимланаётган бўлса-да, аммо бу жараёнда парламент, тўғриси, сиёсий партияларга устуворлик бериладигани алоҳида таъкидлаш жонз. Буни ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан парламент назорати кескин кучайтириладигани, парламент томонидан Бош вазир ҳисоботини эшитиш, Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотумини қўллаш тартибларининг жорий этилаётганида кўриш мумкин. Ҳатто Давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ягона институт — Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш тўғрисидаги Президент фармонининг Сенат томонидан тасдиқланиши ҳам парламентга кучли воситалар бериладигани аниқлади.

Агар мустақиллигимизнинг ниҳоятда мураккаб ва ўта масъулиятли даврларда кучли ижроия ҳокимияти жамиятимизнинг эски тузумдан янгисига бошқичма-бошқич ўтишини таъминлаб, ижтимоий-маънавий асосларни шакллантиришга хизмат қилган бўлса, бутунга келиб кучли фуқаролик жамиятига ўтиш янги бошқичадаги асосий талабга айланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

2 >>>

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 29 МАРТДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУҒАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	↑ 1725,04
1 Англия фунг стерлинги	↑ 2691,79
1 Дания кронаси	↑ 316,95
1 БАА дирҳами	↑ 457,70

1 АҚШ доллари	↑ 1681,00
1 Миср фунги	↑ 252,81
1 Исландия кронаси	↑ 14,62
1 Канада доллари	↑ 1714,08

1 Ҳитой юани	↑ 256,19
1 Малайзия ринггити	↑ 555,70
1 Польша злотийси	↑ 589,93
1 СДР	↑ 2667,28

1 Туркия лираси	↑ 1082,00
1 Швейцария франки	↑ 1825,19
1 ЕВРО	↑ 2381,34
1 Жанубий Корея воин	↑ 15,09

1 Япония иенаси	↑ 205,63
1 Россия рубли	↑ 59,56
1 Украина гривнаси	↑ 211,24

# Тадбиркорлик, эътироф ва рағбат

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**  
УЗА муҳбири

Бу йилги кўргазма экспозицияларни бешаш ва жойлаштиришга ташкилотчиларнинг алоҳида ёндашуви билан ажралиб турди. Қишлоқ ҳўжалик тармоғидаги энг сўнгги йўллар саннат ва ҳўнармандчилик соҳасидаги янгиликлар билан ўзаро уйғунлашган. Замонавий бошқарув услўбларига эга мамлакатимиз тадбиркорларининг фаоллиги юртимизда кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик жадал ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатимиз тадбиркорлари мазкур кўрик-танловни ҳақти равишда Ўзбекистон ишбилармон доиралари учун мўҳим воқеалардан бири деб билади. Танловнинг асосий вазифаси кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик, фермерлик ва ҳўнармандчиликни рағбатлантиришдан иборат. Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори туфайли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиёт хўсўсий секторига ёш авлод, айниқса касб-ҳўнар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини жалб қилиш учун зарур шарт-шароит яратиш каби долзарб масалалар ўз вақтида ҳал этилаётган. Шу муносабат билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бозор талабларига тез мослаша оладиган ва қўшимча иш ўринларини яратишга қодир кичик корхоналарни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Юртобшимиз томонидан мамлакатимизда Кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган жорий йилда ушбу кўрик-танлов алоҳида аҳамият касб этди.

Таъкидлаш керакки, «Кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида ушбу соҳа вакилларига қўшимча имкониятлар беришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари ҳамда қўнуний манфаатларини ҳўмоқ қилишни янада кўчайтириш бўйича мейёр-ҳўқуқий базани тақомиллаштириш, янги қўнун ҳўжатларини қабул қилиш орқали хўсўсий мулкни мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятига назорат органлари аралашувини камай-

тириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. 2011 йилдан кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик субъектларига қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш кўзда тутилган. Масалан, жорий йилдан ягона солиқ тўлов ставкаси 6 фоизгача камайтирилди. Бу кичик бизнес вакилларига бир неча миллиард сўмни тежаб қилиш ва уни ўз иштини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технологик янгилаш, ишчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш имконини беради.

«Ташаббус-2011» танлови жорий йилдаги энг илгор тадбиркорларни аниқлаш имконини берибди. Зеро, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида инновацион ёндашувлар ва янги техник ечимларни далиллик билан қўллаб оладиган илгор тадбиркорларгина муваффақиятли фаолият кўрсата олади. Кўрик-танловнинг яқиний босқичида ғолиб чиққан «Zamin Turkiston» масўулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан биридир.

— Корхонамизда ишлаб чиқаришнинг янги технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди «Zamin Turkiston» масўулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Умаров. — Тажрибади мутахассисларимиз мода оламидаги энг сўнгги ўзгаришларни кузатиб бормоқда ва шу асосда эркаклар устки кийимларининг янги намуналарини яратмоқда. Корхонамиз истеъмолчилар талабларини ўрганиб чиқиб, ишлаб чиқариш сўрьатини муттасил оширишга эришмоқда. Дастлаб, 3 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, айни пайтда 20 турда маҳсулот тайёрланмоқда ва экспортга чиқарилмоқда. Буларнинг барчасига Президентимиз Ислам Каримов томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига қаратаётган катта эътибор, яратилган қўлай шароитлар, шунингдек, имтиёз ҳамда преференциялардан самарали фойдаланиш орқали эришмоқдамиз. Нихоятга етган «Ташаббус-2011» республика кўрик-танловида ғолиб чиққаннинг нафақат менинг, балки Ватанимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган барча тадбиркорларнинг ютуғи, деб биламан.

Яна шуниси мўҳимки, жорий йилда кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик вакиллари учун янада кенг шарт-шароит



яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Масалан, ташқи савдо операцияларини расмийлаштириш борасида ортиқча тартибларга барҳам бериш, маҳсулотни экспорт қилиш учун қўшимча преференциялар тақдим этиш, кичик бизнес субъектларининг хориз бозорларидаги аҳвол ҳақидаги етарлича ахборот ва билимга эга бўлишини таъминлаш мамлакатимиз тадбиркорларига ички муостаҳкамлаш, истеъмолчи таълаш имкониятини, қўшимча иш ўринларини яратиш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик улўшининг ошгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда мазкур секторнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани кейинги йиллардаги катта ютуқлардан бўлди. 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг жадал ривожланиб бораётган ушбу тармоғи ҳиссасига тўри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил қилди. Айни пайтда мамлакатимиз иш билан банд умумий аҳолисининг 77 фоиздан ортиғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Бу борадаги ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади ва 950 минг, асосан

қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этилади. Ушбу янги иш ўринларининг 600 мингдан ортиғини кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик соҳасида яратиш кўзда тутилган.

Бундай ижобий ишлар самаралари «Ташаббус-2011» кўрик-танловида ўзининг ёрқин инфо-дасини топди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхоннинг айтишича, танловда жами 6400 нафардан ортиқ тадбиркор, фермер ва ҳўнарманд иштирок этган. Энг истиқболли ва ташаббускор 41 қатнашчи тадбирнинг республика босқичида иштирок этиш ҳўқуқини қўлга киритди.

Бу йил ғолиблар учта асосий — «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши ҳўнарманди» йўналиши, шунингдек, «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшлар учун энг яхши иш берувчи», «Энг яхши оилавий бизнес соҳасига тўри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил қилди. Айни пайтда мамлакатимиз иш билан банд умумий аҳолисининг 77 фоиздан ортиғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Бу борадаги ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади ва 950 минг, асосан

чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Умаров энг яхши тадбиркор, Сурхондарё вилояти вакили Носир Тўрақўлов энг яхши фермер деб топилди. Унинг «Боғу-бўстон» фермер ҳўжалиғи бодорчилик, деҳқончилик, чорвачилик, шунингдек, озуқа экинларини етиштиришга иштирок қилган. Самарқанд вилояти вакили Шариф Азимов «Йилнинг энг яхши ҳўнарманди» номинациясида ғолиб чиқди. У Ўзбекистон амалий санъатининг энг қадимий тури — кулчилик билан шуғулланади. Устани ишлари мамлакатимиздан ташқарида ҳам яхши маълу.

«Ташаббус-2011» танловининг уч асосий номинацияси бўйича биринчи ўрин соҳибларига олтин медал ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари — «Spark» автомобиллари топширилди.

Уч асосий номинация бўйича иккинчи ўрин соҳибларига маҳсус дипломлар, кумуш медал ва 6 миллион сўмдан пул мукофотлари берилди.

Уч асосий номинация бўйича учинчи ўринни эгаллаган қатнашчиларга маҳсус дипломлар, бронза медал ва 4 миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

## Депутатлик гуруҳларида

### Таклифлар тайёрланмоқда

**Амирлло АХМЕДОВ,**

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари нафақат парламент, балки партиянинг барча бўғинлардаги фаолиятини кўчайтириш, у ёки бу масалаларга бўлган муносабатни қайта кўриб чиқишга ҳам таъсир этаётгани, бошқача айтганда, амалиётга кўчаётгани эътирофга лойиқ, албатта. Бунда ана шу мақсадларга қаратилган ҳўқуқий нормалар тақомиллаштирилаётгани айниқса яхши самара бермоқда. Хўсўсан, халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг шу йил бошида бўлиб ўтган IX сессиясида кенгаш регламентининг янги таҳрири тасдиқланди, вилоят кенгаши, унинг доимий ва муваққат комиссиялари, шунингдек, партия депутатлик гуруҳлари фаолиятининг асосий ҳаракат тартиби белгилан олинди. Янги регламентнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, энди вакиллик органи аъзоси тўлақонли фаолият юритиш имкониятига эга бўлиш билан бирга ўз зиммасидаги масўулият ҳам сезиларли даражада ошганини аниқлаб етди.

Вакиллик органи аъзоларининг фаоллигини оширишда депутатлик назоратини кўчайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Агар 2010 йилда биз вилоятдаги Жанубий Қон бошқармаси директори Авазхон Эъзохоннинг «Аҳоли бандлигини таъминлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш масаласи», «Қишлоққурилишнинг инвестицияларини кўчайтириш директори Сафар Қўшановнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг Иштихон ва Жомбой туманларидаги ижросининг бориши тўғрисида»ги ахборотларини эшитган бўлсак, жорий йилда ҳам бу тажрибани изчил давом эттирялмиш. Шунингдек, депутатлик сўрови бўйича муайян ишлар қилинаётгани, бу ҳам депутатлар фаоллиги ошиб бораётганидан далолатдир. Масалан, гуруҳ аъзолари «Самарқандтранс» марказида бўлиб, мазкур марказ бош директори Инатилла Ҳамроевнинг депутат сифатида амалга оширган ишлари, бу ерда сайловчиларни қабул қилиш учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Депутатлик гуруҳимиз аъзолари вилоят кенгаши сессияси кун тартибига масала киритиш, уни тайёрлаш ва муҳокамадан ўтказишда ҳам фаол бўлишга интилоқдалар.

# Қонун тақомиллаштирилиши керак

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА «АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРҚАЛИШИ ВА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШINI ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА ЖИДДИЙ БАҲС-МУНОЗАРАЛАРГА САБАБ БЎЛДИ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ер юзиде ҳар олти сонияда 1 киши, бир дақиқадда 10, бир соатда 600, бир суткада 14400, бир йилда эса 5 млн. 256 минг киши тамаки асоратлари туфайли ҳаётдан кўз юммоқда. Бир дона сигарета инсоннинг 6 дақиқалик, 20 донаси эса 2 соатлик умрини қисқартиради.

Тамакининг инсон организмга зарари ниҳоятда юқори бўлиб, чекувчилар ўртасидаги ўлим кўрсаткичи чекмайдиганларга қараганда 30-50 фоиз кўпдиган, ўпка саратони билан оғриганларнинг 95 фоизини чекувчилар ташкил этаётгани ҳам бу фикрларнинг нечоғлик асоси эканидан далолат бермоқда. Ҳар еттинчи чекувчида қон томиларининг торайиши кузатилади, ошқозон яраси ўн маротаба кўп учрамоқда.

Бундай ҳол, минг афсуски, Ўзбекистоннинг ҳам четдаб ўтмапти. Соҳа мутахассисларининг фикрича, ҳозир мамлакатимизда 4 миллионга яқин чекувчи бўлиб, ҳар йили тамаки асоратларидан минглаб кишилар ҳаётдан кўз юммоқдалар.

Агар тегишли чоралар кўрилмаса, йиллар ўтиши билан ушбу кўрсаткич янада ортиши ва тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Чекувчилар орасида ҳали суяғи қотмаган ёшларнинг борлиғи эса янада жиддийроқ ташвиш уйғотади, албатта.

Маълумки, 18 дан 20 ёшга бўлган вақт ўсирилик даври ҳисобланиб, бу пайтда шахснинг ўзини англаш жараёни жадал давом этади. Йигирма ёшга тўлган шахсга тўлиқ шаклланган саналади. Ўсирилик даврида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш эса инсон организмнинг уйғун ривожланиш жараёни бузилишига ва унга жуда тез мойиллик шаклланишига олиб келади.

Ана шу жиҳатларни инобатга олсак, Президентимизнинг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тайёрланган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини янада

чуқурроқ англаймиз.

Мазкур қонун лойиҳаси, биринчи навбатда, 20 ёшга тўлган шахслар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш орқали фуқаролар соғлиғига салбий таъсирларни камайтиришни назарда тутди. Шунингдек, унда иш жойлари, тиббиёт муассасалари, кинотеатрлар, цирklar, концерт ва кўргазма заллари, музейлар, спорт иншоотлари, таълим ва тарбия муассасаларида, болалар ва ўсмирларнинг дам олиш жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш тақиқланиши белгиланган. Демак, қонундан кўзда тутилган асосий мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали соғлом наслни асрашдир.

Бу борадаги хориз тажрибасига эътибор қаратсак, Япония, АҚШ, Исландия, Финляндия, Миср ва Норвегия сингари кўпгина мамлакатлар қонунчилигида 20 ёшга тўлганлар учун айнан шундай чекловлар жорий этилганини кузатишимиз мумкин.

Давоми. 4-саҳифада

# Имтиҳонга тайёрми?

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Дунёнинг кўпгина давлатларида яккапартиявийлик тизимига интилиш кўчаётган ва бу интилишлар давлатни бошқаришнинг энг осон ва мақбул йўли дея танланаётган бир пайтда Ўзбекистонда давлат раҳбари ўз ваколатларининг бир қисмини ижроя ва қўнун чиқарувчи ҳокимиятга бериш ташаббуси билан чиқаяпти. Буни Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг моҳияти ҳам кўрсатиб турибди. 2008 йилнинг 1 январидан кўчга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кўчайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қўнун эса бу борада Ўзбекистонда изчиллик ва босқичма-босқичлик тамойилларига қатъий амал қилинаётганини кўрсатди, албатта. Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган қўнун шу маънода ҳам мамлакатда кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг янги босқичини бошлаб берди, дейиш мумкин. Эндиги вазифа сиёсий партияларнинг ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланишларида қўлда, холос.

Президентимизнинг 2010 йилнинг 27 январиде «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида миллий парламентимиз тарихида биринчи марта қўнун ижодкорлиғи, назорат-таҳлил ишлари дастури қабул қилиниб унга кўра парламент фаолиятида кузатилаётган қатор камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш имкони яратилганини бир эса олайлик. O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, айнан ана шу мўҳим ҳўжат туфайли ҳам 2010 йили 35 та қўнун лойиҳаси муҳокама қилиниб, шу кунгача уларнинг 29 таси кўчга кирди. Аммо қабул қилинган қўнунларнинг 24 таси қўнунчилик ташаббуси ҳўқуқига эга бўлган бошқа субъектлар томонидан киритилганини ҳам унутмаслигимиз керак. Депутатлар томонидан эса 11 та қўнун лойиҳаси тайёрланиб, уларнинг 4 таси қабул қилинган.

Шу ўринда 2010 йил давомида қўйи палата кўмиталари томонидан 180 дан ортиқ турли мавзудаги тадбирлар ўтказилганини, депутатлар назорат-таҳлил ишлари режасига мувофиқ 47 та қўнун ҳўжжати, конвенция ва миллий дастурларнинг ижро этилишини назорат тартибиде кўриб чиққанларини таъкидлаш лозим. Уларда асосан қўнун лойиҳаларининг концепциялари, мамлакатимиз ҳаётининг социал-иқтисодий, маънавий-сиёсий соҳаларидаги ўзгаришларнинг назарий ва амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Текширишлар натижаси эса кўмиталар йиғилишларида давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар мутасаддилари иштирокида атрофлича таҳлил қилинди.

Аммо 2010 йил давомида сиёсий партиялар фракциялари томонидан мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ йирик ташаббус ёки таклифлар киритилмагани, уларнинг мамлакат раҳбарияти ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлашдан нарига ўтолмаганликларини назарда тутсак, Конституциямаъна қиритилаётган ўзгариш ва қўнимчалар сиёсий кўчларнинг ўз фаолиятларини буғунги кун талабларига мослаштиришларини тақозо этаётганига амин бўламиз.

Эътибор беринг: 2010 йилда қўйи палата дастури доирасида 7 та парламент эшитуви ўтказилиб, уларнинг 4 таси O'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан ташкил этилди. «Миллий тикланиш» 1 та, ХДП ҳамда Экоҳаракат депутатлик гуруҳи томонидан 2 та парламент эшитувлари ўтказилган.

Юртобшимиз томонидан парламентнинг 2010 йилдаги фаолияти таҳлил этилганида иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётин зарур бўлган қўнунларни киритишда депутатлар корпусининг сустқалиғи, бу борада фаолликни ошириш лозимлиғига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Ишончимиз комилки, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»-ги қўнун талаблари ва сиёсий партиялар зиммасига юклатилаётган масўулият юқоридагидек сустқалиқларга барҳам бериши керак. Зеро, янги босқич чекка бир қишлоқдаги жамоатчилик қабулхонаси биринчи бўлиб қайси партия томонидан ташкил этилгани билан боғлиқ «баҳс»ларнинг даври ўтганини аниқлашмоқда. Чўнки энди партияларга бирон-бир ҳудудда бошланғич ташкилот ишини йўлга қўйгани билан эмас, балки ана шу ташкилот электоратта қандай хизмат қилаётгани ёки мавҳуд ҳаётин муаммоларни ҳал этишга қўшган ҳиссаси, партиянинг амалдаги қўнунларимизни тақомиллаштириш орқали жамиятга қандай наф келтираётгани, энг асосийси эса депутатлар орқали қўнунларнинг жойлардаги ижроси, депутатлар ва жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилгани оқибатида эришилган натижаларга қараб баҳо берилади.

Бунда, шубҳасиз, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар бош мезон бўлиши шарт. Бу эса сиёсий партиялар учун том маънода имтиҳон мавсуми бошланаётганидан далолатдир.

## Ҳўжат имзоланди

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасида 30 март куни Ўзбекистон Республикаси ҳўкумати ва Иордания Ҳўшимийлар Подшоҳлиғи ҳўкумати ўртасида божхона иши соҳасида ўзаро ёрдам тўғрисидаги битим имзоланди.

Мазкур ҳўжат икки мамлакат ўртасида божхона божлари, солиқлар ва бошқа тўловларнинг аниқ ҳисобланиши, шунингдек, божхона қиймати ва товарлари келиб чиқишининг тўғри белгиланишини таъминлаш, ушбу йўналишда қўнун бузилишларнинг олдини олиш ва божхона соҳасида ўзаро ҳамкорликни кўзда тутди. Иордания — Ўзбекистон билан муносабатларни фаол ривожлантираётган давлатлардан бири. Икки мамлакат ўртасида савдо муносабатларини янада ривожлантириш, Иорданиянинг етакчи фирма ва компаниялари билан мамлакатимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги мулоқотларни кенгайтириш, кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Иордания Ўзбекистон билан муносабатларини изчил ривожлантириш тарафлари, — деди Иордания Ҳўшимийлар Подшоҳлиғининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муваффақ Мўхаммад Аҳмад Ажлоуний. — Имзоланган ушбу ҳўжат Ўзбекистон билан бошқа йўналишлар қатори божхона соҳасидаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантиришга хизмат қилади.

УЗА.

# КОНЦЕПЦИЯ

Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонунни маъқуллади



Судларнинг хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги роли ва мавқеини ошириш ҳамда Фуқаролик кодексининг хусусий мулк билан боғлиқ нормаларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бу ўз навбатида партиалар зиммасидаги масъулиятни оширади, албатта.

Ҳар қандай жамият ривожини, биринчи навбатда, соғлом, онгу тафаккури юксак, замон шиддати билан баравар қадам ташлайдиган, керак бўлса, ундан ўзиб кетишга қодир ёшлар фаолиятига боғлиқдир.

13 (385)-СОН

2011 йил 31 март, пайшанба

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

## Янги қонунга янги таклифлар

# Мулкдорлар ҳуқуқи янада мустаҳкамланади

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИКИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА «ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛКДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ИШЛАБ ЧИКИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА. ЧУНКИ УШБУ ҚОНУНДАН КЎЗДА ТУТИЛГАН МАҚСАД ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛКДОРЛАР ҲУҚУҚИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА КАФОЛАТЛАШДАН ИБОРАТДИР**



ни ҳамдир. ФКнинг 208-моддасига мувофиқ эса хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари нафақат фуқаролар (жисмоний шахслар), балки давлатга қарашли бўлмаган ҳар қандай бошқа юридик шахслар бўлиши мумкин.

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ҳам айнан демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва тақомиллаштириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Бутун дунёнинг таниқли иқтисодчилари томонидан ўқиб-ўрганилаётган ана шу муҳим ҳужжатдаги вазифалардан келиб чиқиб, хусусий мулкнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш тизимини тақомиллаштириш учун амалдаги қонунчиликни хусусий мулк ҳуқуқи ва уни ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш билан боғлиқ нормалар билан тўлдирish, хусусий мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалда қўллаш механизмларини тақомиллаштириш талаб этилмоқда. Бундан ташқари, судларнинг хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги роли ва мавқеини ошириш ҳамда Фуқаролик кодексининг хусусий мулк билан боғлиқ нормаларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунни Фуқаролик кодексига мувофиқлаштириш лозимлигини таъкидлаш жоиз. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса хусусий мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга хизмат қилади, албатта. Чунки янги қонун лойиҳасида хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари, хусусий мулк тушунчаси, хусусий мулк субъектлари, хусусий мулк объектлари билан боғлиқ нормалар ўз аксини топиб, унда мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши асослари, мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари, хусусий мулк ҳуқуқининг объектлари ҳуқуқий режими (мақоми), хусусий мулкнинг дахлсизлиги масалалари ўрин олиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, қонунда мулкдорлар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари, мулкдорларнинг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари кафолатлари, мулкдорларнинг хусусий мулкни тасарруф этиш кафолатлари, хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш мумкин эмаслиги билан боғлиқ кафолатлар, национализация, мусодара ва реквизиция қилинишидан ҳимоялаш кафолатларининг белгиланиши мулкдорларнинг белгиланиши алоҳида эътибор қаратилади. Бизнингча, ана шу муҳим қонунда интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш, мулкдорга етказилган зарар ўрнини қоплаш, мол-мулк қийматини кимосиди савдосида аниқлаш асослари ҳам мустаҳкамланиши лозим бўлади.

Энг муҳими, қонуннинг яқиний қондалар деб номланган бошда давлат органлари ва бошқа органлар қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш, низоларни ҳал этиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз томонидан таклиф этилаётган янги қонун хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатларининг қонуний асосларини тақомиллаштириш фуқароларда, айнакча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ўз хусусий мулкига нисбатан мулкдорлик туйғусини мустаҳкамлашга, ўз бизнесини янада ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг юксалишига ва албатта халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

## Сенат ваколатлари кенгайтирилмоқда



Қувондик САНАКУЛОВ, Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши аъзоси

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи яли мажлисида маъқуллашган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонун Сенат ваколатларини янада кенгайтираётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, Олий Мажлис палаталари Давлат бюджетини тасдиқлаш, унинг асосий параметрлари ижросини назорат қилиш бўйича изчил ишлар олиб бормоқда. Бундай назорат-таҳлил тадбирларида Давлат бюджетини шакллантириш, унинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган янги қонунга мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари рўйхатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ЎС палатаси раисини лавозимига тайинлаш ва ундан озод этиш ҳақидаги фармонини тасдиқлаш ҳам киритилдики, бу жуда жиждий ўзгариш деб ҳисоблайман. Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини давомда мамлакат Президентини ва Олий Мажлис палаталари олдига ҳисоб беришини инобатга олсак, Сенат ваколатларининг кенгайтириш Давлат бюджети харажатларининг мақсадли ва самарали сарфланиши, пировардида эса аҳоли фаровонлиги юксалишига замин яратди. Шунингдек, янги тартиблар сенаторларнинг ҳудудлардаги халқ вакили сифатидаги масъулиятини ҳам оширади.

## Муносабат

### Энди кўпроқ масъулият ҳақида ўйлаш керак

Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида ҳам, мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчи бўлган ўрта қатлам вакиллари манфатини ҳимоя қилаётган партия вакили сифатида ҳам «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонунни давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилган ишхоятда муҳим қонун, деб ҳисоблайман.

Чунки давлат бошқарувини ислох этишнинг конституциявий кафолатини таъминловчи ушбу ҳужжатда ҳокимиятнинг уч субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб равишда тақсимланишини назорат қилиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ислохотларни амалга оширишнинг узвийлиги ва тадрижийлигини таъминлаш мақсади ҳам муҳимдир. Хусусан, қонунга мувофиқ, Бош қомусимизнинг 98-моддасида Бош вазир номзодини кўрсатиш ва тасдиқлашнинг янги, демократик принципларга жавоб берадиган конституциявий тартиб белгиланмоқда. Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан кўрсатилиши эса айнакча сиёсий партиялар, умуман, парламент ҳаётида ўта муҳим ўзгаришдир.

Бу, биринчи навбатда, сиёсий кучларнинг янада фаоллашувига замин яратарга, иккинчидан, сайловларга жиждий тайёргарлик қўришга, кўпроқ депутатлик ўринини олиш учун ҳаракат қилишга ундайди. Натияжада сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат кучаяди. Бу эса уларнинг давлат ва жамият қурилиши жараёнидаги иштирокини янада орттиради. Бу ўз навбатида партиалар зиммасидаги масъулиятни оширади, албатта.



Алишер СУЛТОНОВ, Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва ҳавфизлик масалалари қўмитаси аъзоси, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши аъзоси

## Асосий эътибор ёшларга

# Модернизациянинг қудратли кучи



Гофуржон МУҲАМЕДОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Миллий университети ректори

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Шунинг учун ҳам, бутун юртимизда тобора кенг қўлоч ёзиб, қудратли ҳаракатга айланаётган модернизациялаш жараёнида айнан ёшлар фаол иштирок этмоқлари зарур. Навқирон авлоднинг ҳар бир вакили замонавий илм-фан ва ҳунарни, миллий ва умумбаъшарий қадриятларни пухта эгаллашлари учун эса барча шароитлар яратиб берилган.

Шу ўринда Президентимиз томонидан мустақилликнинг дастлабки даврларда юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги улкан ишлар баркамол авлоднинг вояга етказиш вазифасига уйғун ва ҳамоман ҳанг тарзда олиб борилаётганида чуқур маъно борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Янги жамият пойдеворини қуришда эртая унинг эгаси бўладиган, шу жамиятнинг истиқболини белгилайдиган, кучли рақобат шароитида Ватан ва миллат шайни муносиб ҳимоя қилиб, унинг обрўига обрў қўшадиган авлодни тарбиялашдан туриб, улуг мақсадларга эришиш қийинлиги барчамизга аён. Негаки, ҳар қандай жамият ривожини, биринчи навбатда, соғлом, онгу тафаккури юксак, замон шиддати билан баравар қадам ташлайдиган, керак бўлса, ундан ўзиб кетишга қодир ёшлар фаолиятига боғлиқдир.

Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табриғида ҳам ёш авлоднинг вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар халққаро ҳамжамият томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётганига яна бир бор эътибор қаратилади. Халққаро Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Балтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда минтақа миқёсида Ўзбекистонни намуна сифатида тан олгани, чиндан ҳам юксак баҳолидир.

Эътибор беринг: 2008 йилнинг «Ёшлар йили», 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили», 2011 йилнинг эса «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ва бу масалалар бўйича давлат дастурларининг қабул қилиниши ёшлар манфаати, уларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилганига бир мисолдир. Биргина «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ана шу мақсадларга 8 триллион сўмдан зиёд маблағ сарфлангани ҳам ёш авлодга гамхўрлик мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай эътибор ва гамхўрликка ёшларимиз турли соҳалардаги ютуқлари билан ҳам жавоб қайтармоқдалар. Ўтган йили Хитойда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида мамлакатимиз гимнастикачилари юксак шохсупларга кўтарилганида, диёримиздаги барча ота-оналарнинг кўксига гурур-ифтихор туйғуларини жўш ургани шубҳасиз.

Мамлакатимизнинг ҳар бир туманида замонавий қулайликларга эга бўлган болалар муносилига ва санъат мактаблари қурилаётганини бир таҳлил этиб кўрайлик. Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, қарийб 1500 та компьютер синфини ташкил этиш, 118 та спорт зали қуриш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бутун ёшларимизнинг ўз куч-ғайратини ва қобилиятини тўла намоён этиб, мамлакатимиздаги модернизация жараёнида фаол иштирок этиши, изчил ислохотларнинг лоқайд томошабинини эмас, фаол иштирокчиси бўлиши учун барча шароитлар яратилган. Эндиги вазифа эса, наққирон авлод қалбидаги ташаббускорлик ва шижоат алангасини янада ёлқинлантиришдан, уларнинг салоҳиятини янги улкан марралар сари йўналтиришдан иборат. Бу борара биз, таълим соҳаси ходимлари, устоз-мураббийлар зиммамиздаги масъулият жуда катта эканини доимо ҳис қилиб туралик. Ёшлар билан ҳар доим ҳамнафас бўлиш, уларнинг ижодий-интеллектуал қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, тегишли маслаҳатлар, ҳаётий билим ва тажрибаларимиз билан уларга ёрдам бериш асосий бурчимиздир. Ана шундагина кўзимизнинг оқу қораси бўлган, интеллектуал салоҳияти банд, жисмонан ва маънаван баркамол фарзандларимиз Юртбошимиз раҳнамоллигида асос солинган буюк давлатнинг чинакам ворислари бўлиб вояга етадилар.



# Қонун такомиллаштирилиши керак

Давоми. Бошланиши 2-саҳифада

Озод РАЖАБОВ, «XXI ASR»

Шу боис ҳам «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси долзарблиги, жамиятнинг эртаси бўлиши ёшлар келажига бевосита дахлдор масалаларни тартибга солишга қаратилгани билан ҳам барча сиёсий партияларнинг фракциялари томонидан қўллаб-қувватланди. Аммо қонун муҳомама си жараёнида масалага ёндашиш, таклиф этилаётган механизм ва услублар борасида турли фракциялар турлича қарашларга эга экани ҳам маълум бўлди.

Шу ўринда O'zLiDeP фракцияси ушбу қонун лойиҳасини инсон ҳаёти ва саломатлигини асраш мақсадларини таъминлашга йўналтирилгани учун тўлиқ қўллаб-қувватлаганини таъкидлаш лозим.

Фракция аъзоларининг фикрича, юртимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, пировардида жамият тараққиётини таъминлашда мазкур қонун лойиҳасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ниҳоятда юқори. Шунинг учун ҳам фракция аъзолари ниҳоятда долзарб саналган ана шу қонунни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

Лекин O'zLiDeP фракцияси аъзолари бундай долзарб масалаларда тақиқлаш йўлидан бориш мақсадга мувофиқ эмаслигига алоҳида эътибор қаратдилар. Фақат кўрилатган масалага алоҳида ва кенг ёндашилгандагина самарали ечимга эришиш мумкин. Бунда, энг аввало, ёшларда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолига қарши қатъий иммунитетни шакллантириш мақсадида барча манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, ёшларга оқни қоранд ажратиб имкони берилгандагина кутилган натижага эришиш мумкин бўлади, холос.

Шу билан бирга O'zLiDeP аъзолари қонун лойиҳасида ўз аксини топиши лозим бўлган айрим жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Биринчидан, қонунда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини контрафакт асосида ишлаб чиқариш ва тарқатишга қарши аниқ нормалар киритиш кераклиги таъкидланди. Чунки ноқонуний тайёрланган сифатсиз ва арзон маҳсулотнинг истеъмолиси ўз-ўзидан ёшлар бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Иккинчидан, 20 ёшга тўлмаган шахсларга алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотган савдо нуқталари эгаларининг жавобгарлигини янада кучайтириш ва

аниқлаштириш лозим. Зеро, қонун лойиҳасида бу жиҳат «белгиланган тартибда жавобгар бўладилар» деган умумий сўзлар билан чекланган, холос.

Учинчидан, 20 ёшга тўлмаганларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотганлик учун жавобгарликни кучайтириш баробарида ушбу қонун талабларини бузган истеъмолчиларга нисбатан ҳам жаҳон амалиётида қўлланилаётган усуллардан фойдаланиш керак.

Маълумки, жаҳон амалиётида бундай ёшларни ҳар хил ижтимоий меҳнат турларига жалб қилиш (оболончилик, ҳужжатдор-аниқлаштириш лозим.

**Партия нуқтани назарига кўра, қонун лойиҳасидаги ҳавола нормалар имкон даражасида камайтирилиши керак. Айниқса, ушбу фаолият устидан назорат функциясини амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган моддалар янада аниқлаштирилиши ва назорат қилувчи идоралар учун қонун нормаларини турлича талқин қилишга ҳеч бир асос қолдирилмаслиги керак.**

лаштириш ва бошқа ишларга) самарали таъсир воситаси сифатида кенг қўлланилади. Демак, мақсад ёшларни ушбу балолардан асраш экан, бунга фақат ушбу маҳсулотлар билан савдо қилувчиларга жазони қўллаш билангина эришиб бўлмайди.

Тўртинчидан, партия нуқтани назарига кўра, қонун лойиҳасидаги ҳавола нормалар имкон даражасида камайтирилиши керак. Айниқса, ушбу фаолият устидан назорат функциясини амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган моддалар янада аниқлаштирилиши ва назорат қилувчи идоралар учун қонун нормаларини турлича талқин қилишга ҳеч бир асос қолдирилмаслиги керак.

Бешинчидан, қонун лойиҳасида шу турдаги тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган 20 ёшга тўлмаган шахсларнинг бундан кейин алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сота олиш ёки олмаслиги масаласи ҳақида норма киритилмагани ҳам эртага тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

— Фуқаролик қонун ҳужжатларига асосан «эмансипация» деган тунунча бор. Яъни 16 ёшга

тўлган шахс тadbиркорлик билан шуғулланиши мумкин, — дейди қўйи палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Илҳом Насриев. — Масалан, бир вилоятда ултуржи савдо билан шуғулланганидан 17 ёки 18 яшар тadbиркор пойтахтга келиб, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ултуржи тарзда харид қилмоқчи бўлса, биз муҳомада қилаётган қонун лойиҳасининг 13-моддаси унга бундай савдо билан шуғулланиши ман этиди. Зеро, бундай вазиятда тadbиркорнинг ҳуқуқи бузилмайдими? Қонун лойиҳасидаги таъқиқлар ултуржи савдога ҳам тааллуқлими ёки йўқми? Назаримда, қонун лойиҳасида ана шу жиҳатларга аниқлик киритилиши керак.

— Қонун лойиҳаси модда-модда кўриб чиқилганда бир қатор ноаниқликлар мавжудлиги маълум бўлди, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. — Масалан, мен 9-моддани қайта кўриб чиқиш, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан олиб борилганда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмоли қилинишини чеклашдаги фаолиятнинг молиявий манбаи аниқ кўрсатилиши керак, деб ҳисоблайман. Чунки ҳар қандай тadbир замирида уни қўллаб-қувватлайдиган маблағ, харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган манба бўлиши шарт.

Ориф Шариповнинг таъкидлашича, ноқонуний жойда сотилган, лекин сифат сертификати ва тегишли лицензияси бўлган алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йўқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Аксинча, уларни белгиланган тартибда мусодара қилиш ва махсус дўконларда сотиш, олинган даромадниси ана шу маҳалладаги ижтимоий муаммоларни ечишга сарфлаш зарур.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Фахриддин Ражабов эса бундай норма киритилишига бутунлай қарши эканини билдилар. Унинг фикрича, маҳаллалар давлат бюджетини амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган моддалар янада аниқлаштирилиши ва назорат қилувчи идоралар учун қонун нормаларини турлича талқин қилишга ҳеч бир асос қолдирилмаслиги керак.

Бешинчидан, қонун лойиҳасида шу турдаги тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган 20 ёшга тўлмаган шахсларнинг бундан кейин алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сота олиш ёки олмаслиги масаласи ҳақида норма киритилмагани ҳам эртага тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

— Фуқаролик қонун ҳужжатларига асосан «эмансипация» деган тунунча бор. Яъни 16 ёшга

# Оилавий бизнес

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА МАҲАЛЛАНИ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШ ЛОЗИМЛИГИГА АЛОҲИД ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Сахибжамол ЖОЛДАСОВА, юридик фанлар номзоди

Тўғри, оилалар бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари мамлакатимизда ўз даромад манбаи ва тadbиркорлик воситасига эга бўлган оилалар сони 2008 йилда 85,1, 2010 йилда эса 89,6 фоизга етганини кўрсатмоқда. Аммо амалга оширилаётган тadbиркорлик, янгиликлар бу кўрсаткичларни янада яхшилашни тақозо этмоқда.

Фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назардан олиб қаралса ҳам оилавий тadbиркорлик фидуциар белгиларга эгадир. Бошқача айтганда, бу фаолият шахсий-ишончли муносабатларгагина асосланади. Фидуциар битимлар шартномавий мажбуриятларга нисбатан ишончлироқ ва ривожланиш хусусиятга ҳам эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ушбу муносабатлар ҳамкорлар ҳақида маълумотлар йиғиш, ваъдалар бериш, ишончга кириш учун қандайдир имзоларни талаб этмайди. Яъни мазкур муносабатларда, масалан, таъсис этувчи билан ишончли вакил



ўртасидаги таваккалчиликка асосланган мажбуриятларидан фарқ эмас, балки қондошлик алоқалар асосий ўринда туради. Шу билан бирга ушбу алоқалар оилавий тadbиркорликда ишбилармонлик руҳида кечиниши ҳам таъкидлаш жоиз. Зеро, охириги натижа оиланинг моддий ва маънавий фаровонлиги ҳисобланади.

Статистик маълумотларга кўра, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2010 йилнинг 9

ойида рўйхатдан ўтган корхоналарнинг умумий сонига нисбатан кичик корхоналар сони 3,1 фоизга ўсгани тadbиркорларга берилган имтиёзлар туфайли ялпи ички маҳсулот таркибига ўрта синф вакиллариининг улushi кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодий ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошгани аққол кўзга ташланмоқда. Яъни 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи интисодийнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улushiга тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

Бунда эса оилавий тadbиркорликнинг ҳам улushi салмоқлидир. Ўзбекистон Республикасининг «Тadbиркорлик фаолияти эркинликнинг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тadbиркорлик фаолиятини эр-хотиннинг умумий мол-мулк негизига улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тadbиркорлик шаклида амалга ошириш мумкинлиги назарда тутилган. Бунда эр-хотинга биргаликдаги мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулк негизига оилавий тadbиркорлик амалга ошириладиганда, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрининг

ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик яқка тартибдаги тadbиркор рўйхатдан ўтказилаётганда ҳам тadbиркорликнинг лозим. Шунингдек, тadbиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тadbиркорлик амалга ошириладиганда, уй-жой мулкдорларининг бирининг иш муомалаларида киришиши оиланинг воята этган бошқа аъзоларининг нотариал тadbиркорликнинг розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади. Бундан ташқари, мазкур модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, жисмоний шахслар фақат яқка тартибдаги тadbиркорлар тарихида давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин улар биргаликдаги тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган олдий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкинлиги, шунингдек, деҳқон ҳўжалиги ва олдий ширкатни тузиш, уларнинг фаолият юритиши ва фаолиятини тугатиши билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тadbиркорлик ҳамда хўнарамдчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомиди ҳам оилавий тadbиркорлик ва хўнарамдчилик фаолияти субъектла-

рини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш, руҳсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, оилавий тadbиркорлик ҳамда хўнарамдчилик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг оилавий тadbиркорлик ҳамда хўнарамдчилик фаолиятида қатнашиш хусусиятлари, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилавий тadbиркорликнинг ҳамда хўнарамдчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда оилавий тadbиркорлик субъектлари ва ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш қоидалари ўз аксини топган.

Халқаро ҳужжатлар борасида Халқаро Меҳнат Ташкилати Бош конвенциясининг Женевада бўлиб ўтган 83-сессиясида қабул қилинган «Касаначилик тўғрисида»ги 177-Конвенциясида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Хусусан, мазкур Конвенцияда «касаначилик» атамасининг асосий белгилари берилган бўлиб, унга кўра, унинг уйда ёки у танлаган, лекин иш берувчининг ишончасида бўшқа жойда жойлашган бинода ишлаши лозим, шунингдек, ҳақ олиш ҳамда уқсуналар, материаллар ёки бошқа харажатларнинг ким томонидан таъминланишидан қатъий назар, маҳсулот чиқаришда ёки хизмат кўрсатишдаги натижалари иш берувчи томонидан белгиланадиган иш бажарадиган шахсини англатади.


Бутунга келиб Ўзбекистонда оилавий тadbиркорликни юритиш ва ривожлантириш жараёнининг янги босқичи вужудга келадиганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур фаолиятнинг амалга оширилиши нафақат келажикда оила ривожига, балки мамлакат тараққиётига ҳам хизмат қилади. Шу маънода ҳам оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштириш ниҳоятда муҳимдир.

# Ёшлар учун меҳнат ярмаркаси

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎЗА муҳбири

Урганча шаҳар ҳокимлиги, бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий харақати кенгаши ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда қирқдан зиёд корхона ва ташкилот 350 дан ортиқ бўш иш ўринларини тақдим этди. Урганч шаҳар бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Азизбек Авазовнинг айтишича, меҳнат ярмаркасида муздатили ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ҳамда касб-хўнарам коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбир давоминда юздан зиёд фуқаро билан меҳнат шартномаси тузилди. Уларнинг салмоқли қисми ёшлардан иборат.

— Туямўйин-Урганч минтақалараро сув қувурини фойдаланиш бошқармасида меҳнат фаолиятинини бошлайдиган бўлдим, — дейди Файрат Улмуҳаммадиев. — Доймий иш жойига эга бўлганимдан хурсандман.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, СОҲАГА АСОССИЗ АРАЛАШУВЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ Бўйича ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ҲАМ БИР ҚАТОР ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Бу борада жойлардаги прокуратура органларининг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2010 йил якунларида кўра, вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 77 фоиздан кўпроги хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Айни кунда вилоятда 18134 та кичик бизнес субъекти ҳамда 4 мингта яқин хусусий тadbиркорлар фаолият кўрсатишмоқда. Аҳолининг 78 фоизи шу соҳада банд. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш орқали қисқа вақт давомида 43534 та янги иш ўрни яратилгани эътиборга моликдир.

Утган йили прокуратура идораларининг сўй-ҳарақати билан ҳокимлик, давлат бошқаруви ва назорат-тектирув органлари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар раҳбарлари иштирокда жойларда 84 та учрашув ва мулоқотлар ўтказилди. Уларда 9350 киши иштирок этди. Қўрилган чоралар туфайли 19 нафар тadbиркорга 300 млн. сўмга яқин кредит маблағлари ажратилиши таъминланди ва 33 нафар мулкдорга кредит ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди. 22 нафар мулкдорнинг 143 млн. сўмлик дебитор қарзлари ундирилиб берилди. Шунингдек, 10 нафар тadbиркорга ер ажратиш ва янги технологиялар учун лизинг ҳужжатларини расмийлаштиришда яқиндан қўмақлаштирилди.

Таъкидлаш жоиз: вилоят, шаҳар ва туман прокуратураларида ташкил этилган «ишонч телефонлари» орқали кичик бизнес субъектлари билан яқин алоқа йўлга қўйилган. Ҳозиргача келиб тушган 30 та мурожаатнинг барчаси ижобий ҳал қилинди. Жумладан, Мирзачўл туманидаги «Олтин арча» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Сотайев прокуратура аралашуви билан иссоҳқона қўриш учун банкдан 70 млн. сўм кредит маблағи ажратилиши таъминланди. Яна бир мисол.

Ушбу тумандаги «Нурғали» фермер ҳўжалиги раиси Ф.Сейитов «007» рақамли «ишонч телефонига» мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўраган эди. Туман прокуратурасининг аралашуви билан чорвачилик фаолиятини йўлга қўйиш учун фермер ҳўжалигига 17 млн. сўм кредит ажратилишига эришилди.

Жиззах шаҳридаги «Ойбек Ко ЛТД» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари В.Мелиевнинг «ишонч телефонига» қилган мурожаати ўрганилганда ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Жиззах минтақавий филиали томонидан лизинг шартномаси асосида 39,4 млн. сўм миқдордаги пул маблағи янги ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш учун «Виник» МЧЖга асоссиз равишда ўтказиб берилгани аниқланди. Жиззах шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан банк раҳбари Х.Норбутов Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддаси 1-қисми ва 241-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Умуман вилоят прокуратураси органлари томонидан тadbиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 2010 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган назорат тadbирлари давомида аниқланган қонунга зид қарорларга нисбатан 35 та протест келтирилди, ваколатли идораларга 26 та тақдирнома киритилди. 73 нафар шахс қонун бузилишига йўл қўймайлик ҳақида огоҳлантирилди, 32 нафари интизомий, 17 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 845 минг сўм миқдордаги моддий зарар ихтиёрий равишда ундирилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 11 та жиноят ишн қўзғатилди.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий ҳокимликлар томонидан айрим ҳужжатларнинг қонун талабларига зид равишда қабул қилинган ваколатли кичик бизнес ва тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилишига олиб келмоқда. Масалан: Жиззах туманидаги «Чопқир Қорабай», Фалларол туманидаги «Хонақоҳ» фермер ҳўжаликларида ажратилган ер майдонлари туман ҳокимларининг асоссиз қарорлари билан бо-

шқа фермер ҳўжаликларида қўйиб юборилган. Туман прокурорларнинг протестлари асосида ушбу қарорлар бекор қилинди ва ер майдонлари эгаларига қайтариб берилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қўлланилишини ўрганиш жараёнида жойларда ҳўжалик юритувчи субъектлар, яъни тadbиркорларни асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Жумладан, асоссиз равишда қабул қилинган 115 та қарор прокурорларнинг протестлари билан бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди. Аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ваколатли идораларга 185 та тақдирнома киритилди, ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган назорат-тектирув идораларининг маъсул ходимларидан 349 нафари интизомий жавобгарликка тортилди.

Дейлик: Арнасов туман ҳокимлиги тузуридаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатта олиш инспекциясида «Афросиёб Турк Арнасов» МЧЖ 2010 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилган бўлса-да, бу тўғрида тегишли гувоҳнома берилмаган. «Шарқ ҳосил борака» МЧЖ, «Пангат шамол» ва «Шавкат нуқта» фермер ҳўжаликлари тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Мазкур ҳолатлар юзасидан Арнасов туман ҳокимлиги тузуридаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатта олиш инспекцияси бошлиғи Л.Уроловга нисбатан МЖТКнинг 241-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда Юртбошимизнинг тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларининг олдини олишга қаратилган фармон ва қарорлари ижроси доимий назоратдадир. Бу эса кичик бизнес ва тadbиркорликни янада ривожлантириш, соҳада йўл қўйилаётган турли ноқонуний ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этапти.

Бош прокуратура матбуот хизмати.

## Енгил саноатнинг юки енгил эмас

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА САВДО МАСАЛАЛАРИ ҚҮМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ЕНГИЛ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ, МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ» МАВЗУИДАГИ СЕМИНАРДА ЯНГИ ИШ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ БОЗОРНИ ЗАРУР МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШДА ЕНГИЛ САНОАТ ТИЗИМИ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**



Наргиза ҚАҲҲОРОВА,  
«XXI ASR»

«Ўзбекистон саноат» компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда юртимизда енгил саноат молларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи 3481 та корхона бўлиб, уларнинг 256 таси компания тасарруфига кирилади. Тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж ва ипақчилик тармоқларидаги корхоналар йилига 291,5 минг тонна калава ип, 56,3 тонна трикотаж, 157,9 млн. кв. метр газлама ва 26,3 млн. жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Илҳом Насриевнинг таъкидлашича, Юртбошимиз раҳнаомлигида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли мамла-

кат индустриясини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати енгил саноат тизимини ҳам бугунги талаблар даражасида ривожлантириш имконини берди. — Бунда аynиқса давлатимиз раҳбарининг «2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этди, — деди И.Насриев. — Натижада кейинги икки йилда тармоқда 44 та йирик корхона ишга туширилиб, тўқимачилик соҳасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,6 маротаба ошди. Соҳанинг жаҳон андозалари асосида ривожланиб бориши эса уни тартибга солувчи қонунчиликни ҳам такомиллаштириш ва уларнинг бажарилиши юзасидан қатъий парла-

мент назоратини амалга оширишни тақозо этмоқда. Бугунги тадбирдан кўзда тутилган мақсад ҳам соҳанинг аynи кундаги ҳолатини таҳлил қилиш орқали унинг ривожига тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни аниқлаш ҳамда уни бартараф этишнинг амалий чораларини ишлаб чиқариш борасида. Анжуман иштирокчиларининг фикрича, «2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Президент қарорининг қабул қилиниши соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди, енгил саноатни диверсификация қилишга, экспорт салоҳиятини ўстириш ва соҳадаги таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга ёрдам беради. — Юртбошимизнинг

мазкур қарори асосида тайёрланган дастурга кўра, 55 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб, улар асосан саноати у қадар ривожланмаган минтақаларда жорий этилади, — деди «Ўзбек-

ни ифодаловчи ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган Концепциясини ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этапти. Бунда эса соҳа фаолиятини тартибга солишга кўмак берувчи «Саноат сиёсати тўғри-

**«2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Президент қарорининг қабул қилиниши соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди, енгил саноатни диверсификация қилишга, экспорт салоҳиятини ўстириш ва соҳадаги таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга ёрдам беради.**

енгилсаноат» компанияси раиси Илҳом Хайдаров. — Натижада 2015 йилга бориб ички бозор эҳтиёжи учун ип газламалар ва трикотаж-тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш миқдори бир неча маротаба ошади. Йиғилишда ана шундай ижобий натижалар қаторида соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Ўтган йилда ушбу секторнинг янги ички маҳсулотлари улushi бор-йўғи 1,2 фоизни, тармоқнинг мамлакат саноатидаги улushi эса 11,8 фоизни ташкил этган.

Ана шундан келиб чиқиб, мавжуд корхоналарнинг пахта толасидан реал нархларда фойдаланиш имконияти, республика ичида пахта толасини реализация қилиш шартлари ҳамда йиғирилган ип, тайёр газламалар ва трикотаж матосидан фойдаланишдаги муаммолар атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилиш иштирокчиларининг фикрича, мамлакатда енгил саноатни ривожлантириш соҳасидаги ҳозирги ҳолатни акс эттирувчи ҳамда мавжуд муаммолар ечимини топиш ва уларни тартибга солиш, соҳанинг истиқболли йўналишлари стратегияси-

сида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ниҳоятда зарурдир. Шунингдек, йиғилишда компания тизимидаги корхоналарнинг барқарор ишлаши учун айрим ҳолларда электр таъминотидаги узиллишлар ҳам салбий таъсир этаётганига эътибор қаратилди. O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, бу саноатнинг мазкур тармоғи билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айрим ҳудудлардаги маҳаллий раҳбарларнинг маъсулиятсизлиги туфайли электр энергияси масаласидаги муаммолар кичик корхоналарнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмай қолмапти. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш сифати пасаймоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди вазирилик ва идоралар раҳбарлари иштирок этган йиғилишда ана шу каби масалалар юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг тегишли қарори қабул қилиниб, мутасадди идораларга тавсиялар берилди.

## Ҳамкорлик ютуқларга калит бўлади

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ПАЙАРИҚ ТУМАНИДА O'ZLIDER СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚҮМИТАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ЖАМИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲҚАМ ТАЯНЧИ» МАВЗУИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ**

Муҳаббат РАВШАНОВА,  
«XXI ASR»

Вилоятдаги банклар раҳбарлари, тадбиркорлар, коллеж талабалари иштирок этган тадбир аввалида иштирокчиларга банклар миқозлари саналган тадбиркорлар тайёрлаётган маҳсулотлар ҳамда тижорат банкларининг микромолиявий хизматлари тўғрисида услубий қўлланмалар электрон ускуналар ҳамда методик наشرлар ёрдамида намойиш этилди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Пайариқ — Самарқанд вилоятида ўз салоҳиятига эга ҳудудлардан бири. Майдони 87,1 кв.км.ни ташкил этаётган бу туманда 206700 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик маҳаллий аҳолининг азалий касб-кориға айланган қолган. Одамлари, ҳеч бўлмаганда, ҳовлисининг бир четига қатор қилиб те-рак ниҳоллари экиб қўяди. Ниҳоллар росман дарахтга айланиб, ўтган-кетган-

ларнинг доимий ҳаваси ва ҳайратини уйғотиб келмоқда. Хуллас, пайариқликлар азалдан ишбилармон эл ҳисобланади. Шу сабабдан тадбиркорлар кенг қўллаб-қувватланаётган бугунги кунда пайариқликларнинг аксарияти тадбиркорликни бошлашга, ҳозир ишлаётганлари эса фаолиятини янада кенгайтиришга астойдил бел боғлаганлар.

— Аynи кунда бизда 2784 нафар тадбиркор фаолият юритмоқда, — дейди Пайариқ туман ҳоқими Шоймардон Ғуломов. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улushi туманимиз иқтисодиётида йилдан-йилга охиб бора-япти. Бундан ўн йил илгари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 76 фоиздан ортиқни ташкил этган бўлса, бугунга келиб 100 фоизга яқинлашиб қолди. Тадбиркорларнинг 30 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этаётгани ҳам бизнинг ютугимиз, деб ўйлайман. Бундай натижа-лар салмоғини ошириш, оилаларда тадбиркорликни юритиш мақсадида ҳар

ҳафтанинг жума кунини «Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш куни» дея эълон қилдик. Шу кун тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётганлар муаммоларини тегишли идоралар вакиллари иштирокида тинг-лаш билан бир вақтда уларга амалий ёрдам кўрсати-ляпти. Касб-ҳунар таъли-ми муассасаларида билим олаётган йигит-қизларни ишга жойлаштириш маса-ласи ҳам доимий вазифа-миздир. Туманда жорий йилда 12 та коллежда тах-сил олаётган 9700 нафар-дан ортиқ йигит-қизнинг 2600 нафардан ортиғи кат-та ҳаётга йўланма олади. Бу эса яна шунча иш ўрни зарур, деганидир.

Ҳа, чиндан ҳам Сама-рқанд вилоятининг Пайа-риқ туманида Кичик биз-нес ва хусусий тадбиркор-лик йилди айниқса ёшлар-ни иш билан таъминлаш-га жиддий эътибор қара-тилмоқда. O'zLiDePнинг ана шу жараёнларда маҳаллий ҳоқимлик ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳам-корликни кучайтираётгани эса яхши самара берапти.

## Аёллар спартакиадаси: ҳеч ким спортдан четда қолмайди

O'zLiDeP Шайхонтоҳур туман кенгаши «Аёллар қаноти», туман Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими ҳамкорлигида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан «Ҳеч ким спортдан четда қолмаслиги керак» шиори остида аёллар спартакиадасини ташкил этди. Тадбирда ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасалардаги хотин-қизлар спортнинг бешта йўналиши — шахмат, шашка, арқон тортиш, енгил атлетика, стрит-бол турлари бўйича беллашдилар. Жами 15 та жамоа иштирокидаги мусобақада биринчи ва иккинчи ўринларни 40 ва 43-оилавий поликлиника жамоалари эгаллаган бўлса, учинчи ўрин шаҳар болалар сил касалликлари шифохонаси ҳамда марказий кўп тармоқли поликлиника вакилларига nasib этди. Кенг жамоатчилик иштирокидаги тадбирда турли ёшдаги аёлларда келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиш орқали олдини олиш, спортнинг инсон руҳияти ва соғлом авлод тарбиясига ижобий таъсири тўғрисидаги маърузалар ҳам тингланди.

## Паррандачиликка «яшил чироқ»

**O'ZLIDER ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТАШАББУСИ БИЛАН ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСКИЧИДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**



Ўз мухбиримиз

Аynиқса, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган Концепциянинг мақсад-моҳияти хусусида сўз бораркан, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик фа-

олиятини ривожлантириш, уларнинг соҳага оид билим ва кўникмаларини шакллантириш, тадбиркорлик билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар ва уларнинг қўллаш амалиёти хусусида батафсил маълумотлар берилди.

— Қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириб, хотин-қизларни иш билан таъминлашни янги босқичга олиб чиқишда, аввало, жойларда фаолият олиб бораётган аёллар бўлимлари фаолиятини янада жонлантиришимиз зарур, — деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Айниқса, чек-ка қишлоқларда тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланаётган хотин-қизларимизнинг сиёсий фаоллигини оширишда «Аёллар қаноти» томонидан жойлардаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этишда парламентдаги фракциямиз билан ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ноҳира Каримова парламентда қабул қилинган қонунларда хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар тўғрисида сўз юритди. Муҳокамалардан сўнг Жиззахнинг барча туманларида ўтказилиши режалаштирилган туркум семинарларнинг биринчи босқичи Арнасой, Дўстлик, Пахтакор, Зафаробод, Мирзачўл туманларида ташкил этилишига келишиб олинди. Шунингдек, тадбирда туман ҳоқими ташаббуси билан тадбиркорликка лаёқати бор 10 нафар хотин-қизга 100 бошдан жўжа топширилди. — Жиззахнинг кенг яйловлари чорвачилик, айниқса, паррандачиликни

ривожлантиришга жуда ҳам қулай, — дейди вилоят кенгаши депутати, туман ҳоқими Илҳом Эшонқулов. — Шу боис кам таъминланган 70 та хонадонга паррандачилик корхоналари билан келишиб 100 бошдан жўжа тарқатдик. Бундан қўзланган мақсад паррандачиликни ривожлантириш боробарида оила даромадига даромад қўшишга ҳисса қўшишдир. Қолаверса, бундай амалий ёрдам табиатан тадбиркор ва ишбилармон опа-сингилларимизнинг оилавий бизнесини йўлга қўйишлари учун ҳам яхшигина имконият бўлади. Тадбир якунида иштирокчилар «Маржон тоғи» сутни қайта ишлаш хусусий корхонаси фаолияти билан танишдилар.

**ДИҚҚАТ АКЦИЯ!**

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ**

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчи босқич талабалари учун:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб этишга кўмаклашиш ва уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган махсус ўқув курсларини ташкил этди.

Мазкур тадбирлар жорий йилнинг апрель-май ойларида республикамизнинг барча минтақаларида ўтказилиши режалаштирилган.

Махсус ўқув сертификатларига эга бўлган ёшларнинг бизнес лойиҳаларига тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилади.

Қўшимча маълумотларни интернетдаги [www.uzlider.uz](http://www.uzlider.uz) сайтидан олишингиз мумкин.

«Диплом билан бизнесга» лойиҳаси ўқувларида иштирок этинг ва ўз бизнесингизни йўлга қўйинг.



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Мухаммадсўф ТЕШАБОВЕВ, Абдурашид ЖУРАБОВЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯҚУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зийдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Киём НАЗАРОВ. ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳнод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ. БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲИМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖУРАЕВА. БУЛИМЛАР: Котибиёт — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbорот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аввал масалалари бўлими — 254-83-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона: 215-63-80 (тел./факс). ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI\_ASR@yahoo.com, XXI\_ASR@mail.ru. © XXI ASR-дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НМИУ босмоқчасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навоий» кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси. Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган. Бюроми рақими: 1430. Тираж: 19 054. Навбатчилар: О. РАҲАБОВ, А. МУЗАФФАРОВ.

# Ишончлиликдан барқарорликка



**«АГРОБАНК»НИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЖАМОАСИ БУГУНГИ КУНДА 20 МИНГДАН ЗИЁД ЮРИДИК ВА 140 МИНГГА ЯҚИН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ ЎЗ АТРОФИГА БИРЛАШТИРГАН БЎЛИБ, ЖОЙЛАРДАГИ 19 ТА ФИЛИАЛИ, 30 ТА МИНИБАНКИ ҲАМДА 25 ТА МАХСУС КАССАСИ ОРҚАЛИ УЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI ASR»

Жорий йилда банк ўз фаолиятини шаҳардаги банкрот, деб эълон қилинган муқаймоқ ишлаб чиқариш корхонасини молиявий қўллаб-қувватлашдан бошлади. Ушбу корхонага «Samarkand Agromuz» номи берилиб, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 1 млрд. сўм миқдорда инвестиция киритиш режалаштирилган эди. Бугунча 513,8 млн. сўм миқдордаги капитал маблағлар ўзлаштирилди. Натижада муқаймоқ, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва совутгичларни таъмирлаш цехлари ҳамда мингдан ортиқ музлатгичлар қайта таъмирланди. Иланишлар самараси ўлароқ қисқа вақт орасида 8 турдаги сут маҳсулотлари, 6 хил муқаймоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир истеъмолчиларга ойига 50 млн. сўмлик сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериляпти. Ишчи-хизматчилар 40 нафарни ташкил этади. Яқин келажакда улар сонини 200 кишига етказиш кўзда тутилмоқда.

банкнинг вилоят бошқармаси ва туман филиали ходимлари томонидан 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида 16 400 тулдан зиёд мева-ли ва манзарали дарахтлар ўтказилди. Жомбой туманидаги «Хонбуви Абдуллаева», Иштихондаги «Роводлик Юсуф РМЮ» фермер хўжаликлари банкнинг молиявий ёрдами туфайли яхши натижаларга эришган хўжаликлардан саналади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида барча молиялаш манблари ҳисобидан минга яқин кичик бизнес субъектларига 5,5 млрд. сўм кредит ажратилди. Ушбу кўрсаткич якунланган йилнинг айна даврига нисбатан 1,5 баробар кўтири. Ажратилган маблағларнинг 68 фоизи, яъни 3,7 млрд. сўми узоқ муддатли, 1,9 млрд. сўми эса қисқа муддатлидир. Энг муҳими, юқоридаги кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига тез мослашувчанлиги билан эътиборни тортади.

Вилоятда аҳолининг ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Шу мақсадда банк томонидан 3,1 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришда ҳам банкнинг молиявий ёрдами катта бўлаётди. Жумладан, паррандачиликни ривожлантириш учун Оқдарё туманидаги «Бек Нур Оқдарё» фермер хўжалигига 40 млн. сўм, Пайариқдаги «Алишер парранда сервис» хусусий корхонасига 30 млн. сўм кредит берилди. Соҳа тараққиғи учун йўналтирилган жами



маблағ эса 6,2 млрд. сўми ташкил этди.

Тойлоқ туманидаги «Yang-Gu Bog'iz'op Agro» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси картошқа уруғчилигига ихтисослашган бўлиб, корхонага замонавий ускуналар харид қилиш учун 300 миң АҚШ доллари миқдорда

маблағ йўналтирилди. Натижада 60 та қўшимча иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, «Фархад шифер» шўба корхонаси ҳам банкдан 600 млн. сўм кредит олиб, ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Лойиҳа тўла амалга ошгач, 50 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан йўналтирилган маблағлар аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда. Бу эса яқин келажакда мўлжалланган устувор мақсадларимизга тўла мосдир.

## Очиқ мулоқот қизғин ўтди

**О'ZLIDER СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИНING «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР БИЛАН ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ЎРТАСИДА ДОИМИЙ ҲАРАКАТДАГИ АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОЙИШИГА АСОСАН НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**

**Комилжон ФАЙЗИЕВ**

Саноат йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ҳалқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси Дилором Эсонбоева ҳамда олий ўқув юртиларидан тақлиф этилган олимлар сўзга чиқдилар. О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Аҳмадали Аҳмедов мулоқотдан қўзланган асосий мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермерлик фаолиятидаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш эканини таъкидлади.

Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Муҳаммадаб Апақов эса «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини белгиланган вази-фалар, тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кўрилатган чоралар, яратилган им-коният ва имтиёзлар хусусида ахборот бериб, вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда ҳар шанба кунлари тадбиркорлар учун «Очиқ эшиклар куни» ўтказилаётгани, уларда билдирилатган тақлиф ва мулоҳазалар, кўтарилаётган муаммолар атрофида ўрганилиб, бартараф этилаётганини таъкидлади. Тадбирнинг савол-жавоблар қисмида Наманган шаҳридан Жаббарали Мустақимов, Косонсой туманидан «Чашман сафед» кичик корхонаси менежери



Аҳмаджон Эшонхўжаев, Янгйўл туманидаги «Маржона сервис» кичик корхонаси раҳбари М. Ражаббоевалар сўзга чиқиб, тадбиркорлик субъектларига бўш турган биноларни, ер майдонларини мақсадли фойдаланиш учун ижарага бериш, тадбиркорлар томонидан четдан келтирилатган

маҳсулотлар ёки дастгоҳларни республикага олиб кирилиши жараёнидаги тартибларни янада соддалаштириш, кредитлар олишдаги айрим талабларни қисқартириш, оилавий бизнес билан шуғулланувчиларни уч йил муддатга солиқлардан озод қилиш, пластик карточкаларга савдо қиладиган савдо ва маиший хизмат шохобчалари сонини янада кўпайтириш юзасидан тақлиф-мулоҳазаларни билдирилди.

Очиқ мулоқотда ана шу тақлифларни умумлаштириб, ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракциясига юборишга қарор қилинди.

## Маълумот айрибошлаш осонлашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси жорий йилнинг 1 февралдан қорхоналар номларини захирага қўйиш жараёнини интернет тармоғи орқали амалга ошира бошлади.

Мазкур қўмита ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда ОАВ ходимларига шу ҳақда маълумот берилиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди. Жумладан, СДҚ раиси ўринбосари Баҳодир Мирусмонов ушбу идоранинг асосий вазифалари ҳақида ахборот берар экан, қўмита ходимлари ишончлилик, ҳолислик, беғаразлик, долзарблик, очиқлик тамойилларига таянган ҳолда иш юритишларини таъкидлади.

Қўмитанинг ахборот хизмати раҳбари Акрам Султонов эса 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда жами 507275 та корхона ва ташкилот рўйхатта олингани, 1 февралдан барча муассасаларга зарур ҳисобларнинг электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали тақдим этиш имконияти яратилганини маълум қилди.

— Президентимизнинг 2008 йил 13 ноябрдаги қарорига асосан қўмитанинг марказий аппарати, барча бошқармалар ва бўлимлар 100 фойз компьютер техникаси билан таъминланди, — деди А. Султонов. — Бундан ташқари, СДҚнинг аввалги сайти ўрнига ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар тўплайдиган янги веб-манзил — stat.uz ишга туширилди. Ушбу сайт орқали барча ҳоҳловчилар Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳар чоракдаги асосий кўрсаткичлари ва ҳар хил йўналишлар бўйича чоп этиладиган нашрлар билан танишишлари, турли сўровномаларда иштирок этишлари мумкин.

Шухрат ХЎЖАЕВ.



## «Микрокредитбанк» халқаро миқёсда эътироф этилмоқда

**... ТАДБИРКОР ДИЛДОРА УСМОНАЛИЕВАНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЯНГИОБОД ТУМАНИДА УЧРАТДИК. У ҲАМКАСБЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИДА ЎЗИ ТИККАН ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАР БИЛАН ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ЭКАН**

**Ўз мухбиримиз**

— Ўтган йили коллежни битириш арафасида «Микрокредитбанк» сертификатини қўлга киритган эдим, — дейди Дилдоракан. — Натижада зарур маблағ олиб, кичик корхонами ишга туширдим. Ҳозир турли хил либослар тиккаймиз. Коллежни тугатган тўрт нафар дугонам ўзим билан бирга меҳнат қилишяпти. Айни пайтда биз тайёрлаган кийимларга талаб катта. Айниқса, турмушга чиқаётган қизлардан қўллаб-қувватлаш тушмоқда.

Баҳмал туманининг тоғ қишлоғида истиқомат қиладиган Равшан ака Тоштемиров «Новқа қизил эгарлари» кичик корхонасини ташкил қилди. Ўз фаолиятини йўлга қўйиш учун молиявий ёрдам зарур бўлганда «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимига мурожаат қилиб, 3 миллион 700 миң сўм кредит олди. Айни пайтда у ўғли Воҳиджон билан бирга тайёрлаётган эгарларига республикамизнинг тоғ ҳудудлари ва қўшни вилоятларда талаб катта. Шу қишлоқда яшайдиган темирчи уста Қаюм ота Каримов ясайдиган рўзгор буюмлари ҳам Баҳмал туманида жуда харидордир. Босни темир-га жило бериш борасида устанинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ота икки ўғли — Ҳасан билан Эгамбердига ўз ҳунарини ўргатди. Банкдан 1 миллион 800 миң сўм миқдорда микросармоя олиб, кичик корхона ташкил этди ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



хато қилмаймиз. Жумладан, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жағрамаси билан ҳамкорликда аёл тадбиркорларни манзилли қўллаб-қувватлаш лойиҳаси амалга оширилди. Унга мувофиқ 467 нафар хотин-қиз тадбиркорга бошланғич сармояни шакллантириш, ўз бизнесини ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун 1,6 миллиард сўм миқдорда микрокредит ажратилди.

Шу билан бирга ўтган йили 53 та туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда тузилган дастурга кўра, 642 та лойиҳа асосида 7,8 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар йўналтирилди. Молия муассасасида эришилган ютуқлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки ва SGAP томонидан микрокредит маблағлари ажратишга ихтисослашган молия муассасалари фаолиятига баҳо берувчи «MicroFinanza Rating» компанияси (Италия) «Микрокредитбанк» фаолиятини ўрганиб чиқди. Халқаро меъёрларга мувофиқ банкка «SBB» — «SBB олдига қўйилган мақсадларни ва вазифаларни амалиётда рўёбга чиқариш, ижтимоий масалаларни илгари суришга етарли даражадаги самарали қобилиятга ҳамда бунга эришиш учун юқори эҳтимолга эга» ижтимоий рейтингини берилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини кенгайтиришга қаратилган қўйган.

Тадбиркорлик ва фермерлик қўллаб-қувватлаш маркази. Инновател нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятинизга турли ноқонуний аралашулар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир. Фанатонга сизга бирор нарсага эриша олмаган бўлсангиз, бизга мурожаат этиш!

## Япония фожиаси

**ЗИЛЗИЛА ВА ЦУНАМИ ОҚИБАТИДА 19 МИНГГА ЯҚИН ИНСОН ҚУРБОН БЎЛИБ, 452 МИНГДАН ЗИЁД КИШИНING ВАҚТИНЧАЛИК КЎНАЛГАЛАРДА ЯШАЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНМОҚДА**

Файзулло  
АБДУЛБОКИЕВ

Файласуфлардан бири қайгу, алам ва беҳад қувонч инсонга қарийб бир ҳил таъсир кўрсатади, улар тўсатдан ёпирилганда одамни гоҳ довдиратади, гоҳи ҳовлиқтириб қўяди, аммо қайгу одамларни бирлаштиради, деган экан. Ҳақиқатан ҳам Япония фожиаси нафақат мамлакат аҳлини, балки бутун дунё аҳлини жипс-лаштиришга хизмат қилди, дейиш мумкин. Фожа юз берганидан буён икки ҳафта ўтмоқдаки, қидирув-қутқарув ишлари мобайнида тирик жонлар топилаётгани мўъжиза сифатида тилга олинаётир.

— Ҳар куни қайта-қайта жасадларни топавериш қанчалар руҳий азоб эканини айтишга ҳоҳат ҳам бўлмаса керак, — дейди полиция вакили Хитоши Суавара.

Бундан ҳам ёмони, «Фукусима-1» атом электрстанциясида чиққан ёнғин туфайли Япониянинг ядровий хавф остонасида қолаётгани таъкидланмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, фожа кўлами 1979 йилда АҚШдаги энг йирик ядро инқирозидан каттароқ бўлсада, Чернобиль фожиаси даражасидан камроқдир. АҚШда жойлашган Энергетика ва атропо-муҳитни тадқиқ қилиш институти президенти Аржун Максиканининг айтишича, Япониядаги каби инқироз ҳали ҳеч қайси бир мамлакатда юз бермаган.

Шунга қарамай, ҳукумат бош қотибининг ўринбосари Тетсуо Фукуяма вазиятни назорат остига олиш вақти яқинлашаётганини маълум қилди. Бутун энг асосий вазифа Япония шимоли-шарқий соҳилларидаги гуманитар инқирозни бартараф этиш ҳамда тозалаш ва қайта тиклаш ишлари эканини таъкидламоқ жоиз. Жаҳон банкининг тахминларига кўра, Кунчикар юрт иқтисодиётини қайта тиклашга камда 5 йил ва тахминан 235 миллиард АҚШ доллари (ялпи ички маҳсулотнинг 4 фоизи) зарурлигини, хусусий сугурта агентликлари жабр кўрганларга 53 миллиард доллар тўлаш масаласи қаршида қолаётганини башорат қилаётир. Турар-жой ва инфратузилмаларга етказилган зарарни эса ҳатто тасаввур қилиш қийин...

Цунамининг минтақадаги савдо-сотик соҳасига берган зарбаси бундан ҳам оғирроқ, дейлади банк тарқатган маълумотларда. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тўхтатилгани туфайли Японияда тайёрланган айрим электротехника маҳсулотлари нархи 20 фоизга қимматлаган бўлса, кўплай автомобил заводлари айрим бутловчи қисмларга катта эҳтиж сезаётгани туфайли вақтинча ўз фаолиятини тўхтатган.

Тўғри, Япония (Мияги префектураси энг катта зарар кўрди) фожиаси 2011 йилнинг иқтисодий ривожланиш якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларига унчалик таъсир кўрсатмаслиги мумкин. Аммо



Охириги 500 йилда рўй берган энг йирик табиий офатлар туфайли қурбон бўлганлар сон.

- 1737 йил — Ҳиндистондаги зилзила оқибатида 300 минг киши;
- 1887 йил — Хитойдаги сув тошқинларида 1 млн. киши;
- 1970 йил — Бангладешдаги тўфон туфайли 300 минг киши;
- 1976 йил — Хитойдаги зилзила натижасида 255 минг киши;
- 1920 йил — Хитойдаги зилзила оқибатида 200 минг киши;
- 1923 йил — Япониядаги ер ости силкинишлари туфайли 143 минг киши;
- 1991 йил — Бангладешдаги тўфон натижасида 138 минг киши.

минг-минглаб оилалар бошига тушган кулфат, айрилиқлар ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Япония бош вазири Наото Каннинг зилзила ва цунами оқибатларини мамлакатнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кейинги тарихдаги энг жиддий инқироз дея таърифлаши ҳам Кунчикар юрт оғир офатга дучор бўлганининг яна бир тасдиғидир. Маълумки, Япония зилзила

тез-тез содир бўладиган, яъни сейсмик жиҳатдан хавфли ҳудудда жойлашгани боис мамлакатда ҳар йили қарийб уч мингта яқин турли ер силкинишлари содир бўларди. Шунинг учун японияликлар кичик ер силкинишларидан урганиб қолган бўлсалар-да, 11 март кунги зилзила қутилмаган зарба бўлди. Оғир оқибатларни келтириб чиқарган сўнгги ер ости силкинишлари 1923 йили пойтахт

Токиода юз берган бўлиб, ушунда юз мингдан ортиқ инсон ҳалок бўлган эди. Бироқ, мутахассисларнинг фикрича, кейинчалик зилзилага бардошли биноларнинг барпо этилгани кучли ер ости силкинишлари келтириб чиқарадиган вайронагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилган.

Статистик маълумотларга кўра, 8 балдан юқори бўлмаган кучланишли зилзилалар йилга

камда бир мартаба юз беради. Аммо 9 ва ундан юқори балли силкинишлар энг вайронакор ҳисобланади. 2004 йили Тинч океани қирғоғидаги жануби-шарқий Осиёнинг камда 10 та мамлакатда рўй берган зилзила ва у келтириб чиқарган цунами оқибатида 250 мингдан зиёд киши қурбон бўлган эди. Охириги 110 йилда талофотлар бўйича энг йирик бешта силкинишнинг бири сифатида эфиротф этилаётган 11 март зилзиласи бутун Тинч океани минтақасида ҳам сезилди. Россиянинг Узоқ Шарқ минтақаси, Индонезия, Австралия, Янги Зеландия, Тайван, Филиппин, Гавай ороллари, АҚШнинг гарбий соҳиллари, Марказий ва Жанубий Америка минтақалари цунами хавфидан огоҳлантирилди.

Табиий офат инсоният бошига оғир кулфатлар солибгина қолмай, бугунги мураккаб глобаллашув даврида давлатларнинг иқтисодиётига ҳам катта зиён етказаетир. Масалан, 1970 йил Бангладешта ёпирилган тўфон натижасида ҳудудларда биронта ҳам бутун бино қолмади. 1998 йилги Мичт тўфони Гондурас ва Никарагуада 10 мингдан ортиқ кишини нобуд қилди. Мазкур мамлакатлардаги 2 млн. га яқин қашшоқ аҳоли эса бошпанасиз қолди. Тўфондан ҳосил бўлган кўчкилар бутун-бутун қишлоқларни ер юзидан супуриб ташлади. Жануби-шарқий Осиёдаги 2004 йилги цунамидан бир йил илгари содир бўлган зилзила Эроннинг Бам шаҳрини ер билан битта қилди.

Ер ости силкинишлари қурбонлари сони бўйича қайгули рекорд 1556 йили Хитойда қайд этилганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ушунда 800 мингдан ортиқ одамни ер ютиб юборган эди. 1887 йили Янзи дарёси тошиши натижасида эса 900 мингга яқин хитойлик ҳаётдан кўз юмди. 1815 йили Индонезиянинг Сумбава оролидаги вулқон узоқ йиллар ҳудуднинг кул қатламлари билан қопланиб туришига олиб келган. Тирик қолганлар эса ҳосил етиштириш имкониятидан маҳрум бўлиб, оролни тарк этганлар.

Энг ёмони — Рихтер шкаласи бўйича 9 балли ер ости силкинишлари жануби-шарқий Осиёни бир зумда вайронага айлантиргани, шарқда Малайзия, гарбда Африка мамлакатларигача бўлган бир-бирдан узоқ масофада жойлашган ҳудудларни қамраб олгани билан тарих дарёликларига кирганини инсоният ҳали унутгани йўқ!

Япониядаги табиий офат қурбонларининг сони кун сайин ошиб бораётгани ҳам фожа кўламининг катталиги билан инсоният тарихидаги энг даҳшатли фалокатлардан бири бўлиб қолишини аниқламоқда. Аммо, яшшамки, фожа одамларни эсанкиратиб қўймади, аксинча, халқни янада жипслаштишга, тараққиёт сари бир ёқалан бош чиқарган ҳолда одимлашга ундамоқда. Бу эса японларнинг иродасига, кучли миллат эканига яна бир бор ишорадир.

## Лондон «Wi-fi»га ишонмоқда

Лондон мэри ва шаҳар транспорт бошқармаси вакиллари тақдим этган маълумотларга қараганда, Лондон метросининг 120 та ҳамда барча автобус бекагларига «Wi-Fi» симсиз электр ускунаси ўрнатилиши режалаштирилмоқда. Бу ускуна ўрнатиб берувчи ташкилотлар билан жорий йилнинг охирида



шартнома имзоланади ва «Олимпиада-2012»гача лойиҳанинг асосий қисми якунланиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, шаҳар ҳокимияти вакиллари Лондоннинг тўлалигича интернет сигналлари билан қопланиши автомобиль йўлларидаги тирбандликнинг ҳам олдини олишга ишонмоқдалар. Чунки ҳайдовчилар шаҳарнинг қайси бурчагида бўлмасин симсиз интернет ёрдамида тирбанд ва буш кўчалар ҳақида уздуксиз маълумот олишлари мумкин бўлади. Социологлар томонидан ўтказилган сўнгги сўровлар натижасида шаҳар аҳолисининг 50 фоизи интернетта Wi-Fi орқали уланиши автомобиллар тирбандлигининг олдини олади, деган фикрни билдирган.

ВОКЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

## Навбат Таиландга келди

Хабарларга кўра, Таиланд жанубида содир бўлган сув тошқини натижасида 8 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган бўлса, 280 киши жабр кўрган. «Bangkok Post» нашрининг хабарига кўра айни вақтда 8 та вилоят сув остида қолган.

Ҳатто айрим ҳудудларда биноларнинг қулаши ҳам кузатилмоқда. Бундан ташқари, сув босими натижасида 12 та касалхона бутунлай вайрон бўлган. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Юрин Лаксанависиннинг сўзларига кўра вазият ҳафта охирига бориб яхшиланиши мумкин.

## Юлия яна прокуратурага чақирилди

«Украинская правда» нашрининг ёзишича, Украинанинг собиқ бош вазири Юлия Тимошенко сўроқ учун яна бир бор бош прокуратурага чақирилган. У бош вази лавозимида ишлаган кезларида иссиқхоналар учун ажратилган табиий газ квотасининг сотилишидан тушган маблагнинг бир қисмини ноқонуний сарфлаб юборганликда айбланмоқда. Аслида мазкур маблаг давлат бюджети тақчиллигини қоплаш ҳамда пенсиялар тўлашга йўналтирилиши керак эди. Маблагнинг умумий миқдори 380 миллион евро ни ташкил этади. Юлия Тимошенкога нисбатан қўзғатилган яна бир жиноий иш давлат кафолати билан ихтисослаштирилган «Опел Комбо» тиббиёт автомашиналарининг сотиб олиниши билан боғлиқдир. Бу иш бўйича давлатга етказилган зарар миқдори 8 миллион доллардан кўпроқ, деб таҳлил қилинмоқда.



## Саркози ортда қолмоқда

«Рейтер» агентлиги хабар беришича, Франциянинг амалдаги президенти Никола Саркозининг партияси дастлабки натижаларга кўра кантонал сайловларнинг иккинчи турида мағлубиятга учрамоқда. Ҳозирча Социалистик партия вакиллари 36 овоз тўплаб, Халқ ҳаракати иттифоқи ва Миллий фронт партияларидан анча олдинга ўтиб кетган. Эслатиб ўтайти: Францияда бўлиб ўтадиган кантонал сайловлар сиёсий партиялар ўртасидаги президентлик учун курашдан аввалги сўнгги умумий сайлов ҳисобланади. Таъкидлаш жоиз: ушбу давлатда президентлик сайловлари 2012 йилга белгиланган.

**TURON BANK**

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ

**«ТУРОН БАНК»**

2011 йил республикамызда «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» деб эълон қилиниши муносабати билан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун

«ЭНГ ЯХШИ БИЗНЕС-РЕЖА»,

«ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИХА»,

«ЭНГ ЯХШИ ХИЗМАТ КўРСАТИШ ЛОЙИХАСИ»,

«ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР»,

«ЭНГ ЯХШИ ЁШ ТАДБИРКОР»,

«ЭНГ ЯХШИ АЁЛ ТАДБИРКОР»

НОМИНАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БИЗНЕС-ЛОЙИХА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

«ТУРОНБАНК» — ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ.

Танловда республикамызда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар инновацион бизнес гоёлари билан иштирок этишлари мумкин.

Ғолиблар имтиёзли фоиз ставкалари асосида «Туронбанк» томонидан молиялаштирилади.

Азиз тадбиркорлар, Сиз ўз бизнес-гоёнгиз билан ОАТ «Туронбанк»нинг барча филиаллари кредит бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.


Телефон: (+998 97) 700-55-55.

## Сурхонлик ўсмирлар биринчи

Наманган шаҳрида Ўзбекистон Кураш мислий федерацияси ташаббуси билан 1994-1995 йилларда тузилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида мамлакат чемпионати бўлиб ўтди.

2011 йилги мавсумни очиб берган биринчиликда республикамизнинг барча минтақаларидан келган 500 нафар ёш спортчи иштирок этди.

Мурасиз кечган беллашув натижаларига кўра, 5 та олтин ва 1 та кумуш медалларни қўлга киритган Сурхондарё вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган бўлсалар, бухоролик (4 та олтин, 3 та кумуш ва 7 та бронза) ва хоразмлик (3 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза) ёш курашчилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи кўрсаткичларга эришдилар.



## Хулқар Анандни енгди

Якшанба кuni ўзаро ўртоқлик учрашувини ўтказган икки нафар жаҳон чемпиони — Вишванатан Ананд ва Густав Қосимжонов «дуст»и 28-29 март кунлари бўлиб ўтган семинар-тренинглار давомида ўзбекистонлик умидли шахматчиларга қарши дونا сурди.

Аҳамиятли томони шундаки, Қосимжоновни 3,5:0,5 ҳисобида енгган амалдаги жаҳон чемпиони бир вақтнинг ўзида 20 нафар ёш шахматчи билан ўтказилган сеанс мобайнида 2 та мағлубиятни тан олишга мажбур бўлди. Таниқли гротмейстер, Ўзбекистон дeллар терма жамоаси аъзоси Хулқар Тоҳиржонов ва 2010 йили Хитойда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилиги ҳамда мамлакат чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган Тимур Игонинга имкониятни бой берган бўлса, яна 6 нафар спортчимиз Ананд билан дуранг қайд эттишга эришди.

22 та шахмат тахтасти эгаларига қарши дона сурган Густав Қосимжонов ҳеч қимдан енгилмаган бўлса-да, Юлдуз Ҳамроқулова, Мафтуна Маматқулова, Олег Артеменко, Улубек Тиллаев, Ортиқ Нигматов ва Саидқабар Сайдалиев каби истеъдодли шахматчилар билан бўлиб ўтган партияларда мурося йўлини танлади.

## «Леново»нинг кашфиёти

Хитойнинг «Леново» компанияси кўз билан бошқариладиган ноутбук яратди. Компания вакилларининг сўзларига қараганда, кўз орқали ушбу янги технологиядаги файлларни танилаш ва очини, саҳифаларга ўтиши, қилириш тизимидан фойдаланиш, тасвир ҳажмини ўзгартириш, электрон почтани ўқиш каби вазифаларни амалга ошириш мумкин. Соҳа мутахассисларнинг фикрича, ушбу ноутбук энергияни тежаш хусусиятига ҳам эга. Ҳозир бу кашфиёт синовдан ўтказилмоқда. Агар синов муваффақиятли тугаса, яқин икки йил ичида бундай замонавий компьютер русумини кенг ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, дейишмоқда «Леново» мутасаддилари.



## Қасамдга содиқ бўламиз

МЕН ЯҚИНДА МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФЛАРИГА ЧАҚИРИЛИБ, МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ БОШЛАГАН ЭДИМ

Суннатилла ЗАРИПЖОНОВ, оддий аскар

Кунни кеча эса ҳарбий қасамд қабул қилиб, Ватанимга, Президентимга, халқимга содиқлигимни изҳор этиб, ҳар қандай шароитда ҳам юрт ҳимоясини таъминлашга, керак бўлса, жонимни фидо қилишга ваъда бердим. Ваъдаларимнинг устидан чиқишимизга, қасамдга содиқ қолишга тўлиқ асос бор. Чунки Куролли Кучлар сафига тиббий кўрик, жисмоний, интеллектуал, руҳий ва тест синовлари асосида саралаб олишган. Энг муҳими, биз ўз юртимизда, тинч осмон остида ҳарбий хизматни ўтаймиз.

Спортта ошнолигим ҳарбий хизматнинг дастлабки кунлариданоқ унга кўникишимга ёрдам берди. Мен билан бирга хизматни бошлаган бухоролик Зокиржон Зоиров,

тошкентлик Бобур Холмонов, Илёс Ҳайдаров, Дилмурод Файзиев каби аскарлар ҳам спорт билан шугуллангани учун ҳарбий хизматда қийналишмаяпти. Биз тезла дўстлашиб ҳам олдик. Уларнинг нияти келгусида мен каби ҳарбий хизматни давом эттириб, зобит бўлишдир.

Яқинда ҳарбий қисмда Наврўз байрамини нишонладик. Дошқозонларда сумалак пишириб, Ватанга чин ўғлон бўлиб етишишни ният қилдик. Муқддатли ҳарбий хизматни ўтар эканмиз, замонавий техникани эгаллашга, билимларимизни оширишга, жисмоний чинқишга, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама етук аскар бўлишга интиламиз. Армия биз учун чинқиш ва камолат мактаби бўлади. Ўз миллий армиямизда хизмат қилаётганимиздан фахрланамиз.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ тайёрлади.

## «SAM ROS HOLOD»

Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси куйидаги замонавий курилиш материаллари ва халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаради:

1. Пенополистиролли девордоп металл сандвич-панеллар;
2. Пенополистиролли том ёпиш учун металл сандвич-панеллар;
3. Пенополистиролли цементли сандвич-панеллар;
4. Профнастил;
5. Металл профиллар;
6. Пенополистиролли плиталар;
7. Пластмасса яшчилар.



Манзил: 140300, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани,  
Гулобод кўрғони (мўлжал: Самарқанд тумани ҳокимлиги), Директор: Шероф Акбар Раҳматович, тел.: (+99891) 555-89-99.  
Соғлиқни уқчи: Маркетинг бўлими менежери Шайх Саъдуллоев, тел.: (+99899) 881-9-881, (+99898) 273-75-59.  
Факс: (8338) 812-94-22, e-mail: info@samroskolod.uz

## Бизнинг томлар зангламайди

МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦА

ПРОФНАСТИЛ

Пўлат ижараси  
қалинлиги 0,8мм дан 30мм гача

(+998 90) 175-62-57  
(+998 71) 283-06-56



## МЧЖ «ЖОМБОУ ЈАВОНИРИ» ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

МАХСУЛОТ ТУРЛАРИ:

Қопланган микрокальцит: 065ММК, 095ММК, 1МК, 2ЕХМК, 2МК, 3МК, 5МК  
Микрокальцит: 065М, 095М, 1М, 2ЕХМ, 2М, 3М, 5М, 10М, 15-40М

Манзил: Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, Деҳқонобод кўрғони, Саноат ҳудуди. Тел.: (+998 66) 900-70-06, (+998 95) 502-42-24.

## Називин

NYCOMED

для носов и носиков

### Показания

- Лечение острых респираторных заболеваний, сопровождающихся насморком;
- аллергический ринит;
- вазомоторный ринит;
- для восстановления дренажа при воспалении придаточных пазух полости носа, евстахиите, среднем отите;
- для устранения отека перед диагностическими манипуляциями в носовых ходах.

Регистрационная удостоверение П-А-242 1800432; 8-280-58 1806118  
Отпускается без рецепта врача  
Содержит спирт и искусственный  
Никотин протектовыми.  
Перед приемом проконсультироваться с врачом.  
Мерк КГА Германия для Никомед  
Товар сертифицирован



Новый дизайн  
упаковки Називин

- Препарат от насморка для взрослых и детей с первых дней жизни
- Обладает продолжительностью действия до 12 часов
- Производится в Германии